*Ўзбекистон — келажаги буюк давлат*

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

30 сентябрь, шанба, 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 189 (1191)

## РЕСПУБЛИКА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИГА

Азиз муаллимлар, муҳтарам устозлар!

Сизларни касб байрамингиз — Халқ таълими ходимлари куни билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Муаллимлик касби — улуғ ва мўътабар касбдирки, уни ҳар қанча шарафласак ҳам озлик қилади. Муаллимлик касби муҳим давлат аҳамиятига молик. Негаки, муҳтарам маориф аҳли, ватан фарзандларининг нечоғли фозил, билимли, тарбияли ва уқувли, ватанпарвар бўлиб вояга етишлари сизнинг маҳоратингиз ва масъулиятингизга боғлиқдир.

Дунёга энди кўз очган кичик инсонга халқимиз тарихи, унинг қудратли маънавий-маърифий салоҳиятини ва уларга уйғун ҳолда умуминсоний қадриятларни англатиш бахти айни сизларга насиб этган.

Биз сизларнинг меҳнатингиз ва иқтидорингизни, ғайратингиз ҳамда шижоатингизни яхши англаймиз, юксак даражада қадрлаймиз. Янги замон, мустақиллик ва истиқлол замони сизларнинг зиммангизга буюк истиқбол қурувчиларининг янги-янги авлодларини, элу юртига содиқ, муқаддас заминимиз гуллаб-яшнаши учун бутун борлиғини фидо этишга ҳам тайёр инсонларни тарбиялаш, уларни ватан хизматига сафарбар этишдек ғоят масъулиятли ва шарафли вазифани юклайди.

Ана шу эзгу мақсад йўлида барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, улкан муваффақиятлар тилайман. Ҳамиша изланувчанлик, матонат, фидоийлик сизларнинг ҳамроҳингиз бўлсин!

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ислом КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1995 йил 29 сентябрь

## ОЛИЙ МАЖЛИСДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. Халилов 29 сентябрь куни Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Генри Лии Кларкни элчилик ваколати тугаб, ватанига жўнаб кетаётганлиги муносабати билан унинг илтимосига кўра қабул қилди.

Дўстона суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида парламентлараро алоқаларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш истаги изҳор этилди.

## ТАЪЗИМ СИЗГА, УСТОЗ МУАЛЛИМ

***Муаллим... Бу сўзни тилга олганимизда кўз олдимизда эндигина мактаб остонасига қадам қўйган ёшлар қалбига зиё бахш этувчи, уларга тарбия ва таълим берувчи меҳрибон устоз намоён бўлади. Бугунги кунда республикамиз мактабларида минглаб ана шу улуғ ва мўътабар касб эгалари меҳнат қилаётир.***

Тошкентдаги муҳташам «Туркистон» саройида 29 сентябрда халқ таълими ходимлари кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Унда соҳа фахрийлари, илғор маорифчилар ва жамоат ташкилотларининг вакиллари қатнашди.

Йиғилиш очиқ деб эълон қилинади. Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг халқ таълими ходимларига йўллаган табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев ўқиб берди. У байрам арафасида Президент фармони билан республикамизнинг 400 дан кўпроқ халқ таълими ходимлари ҳукуматимизнинг «Соғлом авлод учун» ордени ҳамда «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» унвонларига сазовор бўлганлигини маълум қилди.

Республика халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев Ўзбекистон ҳукумати, хусусан Президентимиз ўқитувчилар ва тарбиячиларни ҳар томонлама ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилаётгани, уларнинг меҳнатини юксак қадрлаётгани учун миннатдорлик изҳор қилди.

Йиғилишда Республика Бош вазири А. Муталов қатнашди.

Атоқли санъаткорлар ва бадиий ҳаваскорлик жамоалари меҳрибон устозларни куй-қўшиқлар билан хушнуд этди.

**(ЎзА).**

## РАТИФИКАЦИЯ ЁРЛИҚЛАРИ АЛМАШИЛДИ

29 сентябрь куни Ташқи ишлар вазирлигида Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Жумҳурияти ўртасида наркотик воситалар ва психотроп моддаларни ғайриқонуний тарқатишга ва терроризмга қарши кураш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битимнинг ратификация ёрлиқларини алмашиш маросими бўлди.

Ратификация ёрлиқларини алмашиш протоколига Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов ва Туркия Жумҳуриятининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Э. Айтун имзо чекди.

**(ЎзА)**

## *«Оқ олтин-95»*



# ЭРТА ЭККАН БАРВАҚТ ХИРМОН УЯДИ

### Буни Андижон вилояти пахтакорлари амалда исботламоқдалар



***АНДИЖОН — азалдан миришкор пахтакорлар юрти. Бу ерда Манноп Жалолов, Абдусамад Тиллабоев, Хайрихон Эргашева, Мирзажон Иминов, Абдукарим Мўминов сингари пахта билимдонларининг ўзига хос мактаби яратилгани бежиз эмас. Энди уларнинг ажойиб сулолалари етишиб чиқмоқда.***

ОЧИҒИНИ айтиш керак, бу йил Андижонда ҳар йилгидан ҳам ҳосил мўл бўлди. Ҳар туп ғўзада 15-20 тадан бўлиқ чаноқлар ҳосил қилишга эришилди. Боиси, эртапишар, серҳосил «Фарғона-3», «Наманган-77», «Қирғиз-3» навлари танланганди. 10-12 иш кунида республикада биринчи бўлиб чигит экиш тугалланди. Албатта, экинга ишлов бериш ҳам қатъий интизом асосида олиб борилди. Энг муҳими, ер ўз эгаларига топширилди. Қолаверса, ҳар гектар ерда 90 минг тупдан кўчат ҳосил қилинди.

— Ҳамма нарсанинг эртакиси яхши — дейди вилоят ҳокими, Ўзбекистон Олий Мажлисининг депутати Қобилжон Обидов, — ҳосилни кузнинг иссиқ кунларида йиғиштириб олганга не етсин.

Вилоят деҳқонларининг бу йилги ғайратлари чакки эмас. Август ойининг иккинчи ярмидаёқ пахта қийғос очилиб бўлганди. Шу боис мустақиллигимизнинг 4 йиллиги байрамидан сўнг ҳамма пахта йиғим-теримига отланди.

Ишонгингиз келмайди. Ҳали пайкалларга, «зангори кема» ораламасданоқ андижонликлар ҳар куни давлатга 4-4,70 фоиз миқдорида пахта сотдилар. Андижоннинг пахта тайёрлаш борасида карвонбошилик қилаётганлигининг боиси ҳам шунда.

Узоққа бормайлик. Ўтган йилнинг худди шу вақтида далалардаги ҳосилнинг борйўғи 50 фоизи йиғиштириб олинганди, холос. Бу йил эса 215 мингдан зиёд теримчининг ғайрати туфайли дастлабки довон эгалланиш арафасида.

Асакалик Давлатхон Ашурова, Раънохон Қодирова, шаҳрихонлик Ёрқиной Маматова, Наргиза Рўзиева, избосканлик Ойгул Исоқова, Зуҳрахон Абдуллаева сингари илғор теримчилар ҳар беш кунликда бир минг, бир минг икки юз килограммдан пахта теришга эришяптилар. Демак, улар минг сўмдан юқори иш ҳақига эга ҳам бўлмоқда. Бу рақамлар вилоятда машина терими суст экан, деган хулосага олиб келмаслиги керак. Чунки мавжуд техникадан ҳам унумли фойдаланилаяпти. Ҳозир пахтазорларда 500 дан зиёд терим агрегатлари кунлик терим суръатига суръат қўшмоқда.

Вилоят ҳокимлиги томонидан хўжаликлардаги теримчиларни моддий рағбатлантириш юзасидан ўзига хос тадбир ишлаб чиқилди. Шунга кўра, 120 фоиздан зиёд ҳосилдорликка эришган жамоа хўжаликлари, шунингдек, туман ҳокимлигига енгил машина ажратилди. Терим илғорларига эса қимматбаҳо совға ва мукофотлар берилаяпти. Булоқбошидаги Ойбек номли, Асакадаги «Навбаҳор», «Ўзбекистон», Андижон туманидаги А. Исмоилов номли, Избосканадаги «Шарқ юлдузи» жамоа хўжаликлари биринчи теримдаёқ режани уддалашди. Гектаридан 30-32 центнердан ҳосил олинди. Терим давом этаяти, чунки улар бу кўрсаткични 40 центнерга етказишмоқчи.

Вилоят ҳокимлиги йиғим-теримда яна бир тажрибани синовдан ўтказмоқда. Бободеҳқонга ёрдамга отланган кўнгиллиларни тумандаги аҳоли сонига қараб кўмакка юборяпти. Эътибор беринг-а, Комсомолободга 10 минг киши жўнатилди. Ҳалигача қўриққа бундай кўп одам юборилмаганди. Шубҳасиз, уларга яратиб берилаётган шарт-шароит ҳам кўнгилдагидек бўлаётир.

Яратилаётган катта хирмонда ҳашарчи талабаларнинг ҳам муносиб ҳиссалари бор. 21.310 нафар йигит-қиз ҳозирга қадар 3,5 минг тоннага яқин хирмон уйди. Андижон Давлат тиббиёт институти, Андижон Давлат университети, Асака, Бўз тиббиёт билим юртларининг талабалари теримда тенгдошларига намуна бўлишмоқда.

Арғамчига қил қувват, дейдилар. Вилоятда маданий-маиший хизмат ходимлари, санъаткорларнинг кўрсатаётган хизматлари ҳам қувонарли. Улар пахтакорларнинг бўш вақтларида мароқли концертлар намойиш этишмоқда. Кундалик эҳтиёж моллари савдоси ташкил этилган. Кўчма кутубхоналар ишлаб турибди.

Аҳиллик, меҳр-оқибат бор жойда ютуқ, хайру барака ўз-ўзидан келаверар экан...

**Ф. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТДА: Пахтаобод туманидаги «Маданият» агрофирмаси механизатори М. Ҳакимов.**

**Т. ҒОФУРОВ олган сурат.**

## *«Оқ олтин» - 95*



### РЕСПУБЛИКАДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1995 ЙИЛ 28 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

**(ФОИЗ ҲИСОБИДА)**

| вилоятлар | бир кунда | мавсум бошидан буён |
|---|---|---|
| Андижон | 1,36 | 91,54 |
| Хоразм | 1,94 | 80,50 |
| Фарғона | 0,51 | 74,18 |
| Наманган | 0,55 | 70,86 |
| Бухоро | 2,04 | 70,64 |
| Навоий | 3,45 | 57,54 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 2,05 | 54,59 |
| Сурхондарё | 1,66 | 54,53 |
| Қашқадарё | 1,75 | 49,67 |
| Самарқанд | 2,56 | 45,72 |
| Тошкент | 3,31 | 43,91 |
| Сирдарё | 2,65 | 35,45 |
| Жиззах | 2,15 | 34,41 |
| **Республика бўйича** | **1,89** | **58,86** |
| **1994 йилда** | **2,65** | **41,96** |



# ДАРОМАД ИККИ ҲИССА КЎПАЯДИГАН БЎЛДИ

### Боёвут туманидаги «Биринчи май» ширкатлар уюшмаси деҳқонлари Сирдарё вилоятида биринчи бўлиб режани бажардилар.

***БУ МАРРА жуда қисқа муддатда — 20 иш кунида эгалланди. Давлатга 3100 тоннадан зиёд ҳосил топширилди. Унинг деярли ҳаммаси биринчи навга қабул қилинди. Боз устига четдан ҳашарчилар жалб этилмади.***

ЭКИШ, ишлов бериш ва ғўза баргларини тўктириш ўз вақтида ўтказилса, эртаги ҳосил етиштириш нақд эканлигини «Биринчи май»ликлар исботлашди.

Уюшманинг Саидқул Ҳайитқулов бошлиқ бригадасида бўлганимизда ҳар туп ғўзада тўлиқ очилган 20-25 та чаноқ санадик. Бу бригада ҳосилдорликни 50 центнерга етказишни мўжаллаётир. Бундай кўрсаткич Мирзачўл ерларида кўпдан буён қайд қилингани йўқ. Қолаверса, Боёвутда ҳам ҳосилдорликни 50 центнердан ошириш мумкинлигини шу уюшма фермерлари амалда кўрсатишди. Жумладан, Йўлдош Ҳожиев бир гектар пахта майдонидан 5,5 тонна ҳосил олди. Фермер оз майдонда ғўза ўстирган бўлса-да, барибир бу 55 центнер дегани. Уюшмада ҳосилнинг мўл бўлишига кўпроқ маҳаллий ўғитлардан фойдаланганлиги ҳам муҳим омил бўлди. Энг асосийси, ерларнинг ижарачиларга бўлиб берилганидир. Беш йил муддатга белгиланган шартномага кўра ижарачи деҳқонлар аввало ер унумдорлигини оширишлари зарур. Бу энг муҳим шарт. Энди деҳқонлар ўзларига ажратилган майдондаги ғўзаларни фақат бегона ўтлардан тозалаш билангина эмас, шу ерлар ҳосилдорлигини кўтариш ҳақида ҳам қайғурадилар. Даромаднинг асосий қисми эса ижарачининг қўлига тегади. Уюшмада бу йилги пахта даромади икки ҳиссага кўпайиши кўзда тутилаяпти. Бу умид ушалса, «Биринчи май»ликлар 40-45 миллион сўм атрофида соф фойдали бўлишади.

Биргина ўтган йили шаҳарликларни ташиган автобуслар учун уюшманинг 250 минг сўм пули кетганди. Энди ана шу тежалган маблағ деҳқонларнинг ўзига мукофот тариқасида тарқатилади. Теримчи ва механизаторлар мавсум давомида бир миллион сўмга яқин иш ҳақи олишди.

Уюшма аҳлининг рўзғоридан ҳам кўнгли тўқ. Теримдан олдин 100 тонна буғдой, 200 тонна шоли, 40 тонна пахта ёғи, 20 минг дона совун, 20 тонна макка дони улашилганди.

— Режани ўз вақтида уддалашимизда пахтанинг харид нархи ва теримга тўланадиган ҳақнинг оширилганлиги муҳим омил бўлди, — дейди уюшма раиси Ғофуржон Алиев. — Бу ғамхўрлик туфайли хўжаликнинг ҳам, деҳқонларнинг ҳам молиявий аҳволи янада яхшиланади.

**А. ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

Мамлакатимизда халқ таълимини ривожлантириш, ислоҳ қилиш, жисмонан ва ахлоқан соғлом авлодни камол топтириш, таълим беришга қўшган ҳиссаси, уларни ватанпарварлик, ватанга содиқлик, миллий истиқлол ва ижтимоий тараққиёт ғояларига садоқат руҳида тарбиялашдаги, давлат ва халқ олдидаги жуда катта хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол қатнашаётганлиги учун тўрт юздан зиёд халқ таълими соҳасида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлар Республика Президенти фармони билан I ва II даражали «Соғлом авлод учун» орденлари билан мукофотландилар ҳамда «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси» ва «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвонларига сазовор бўлдилар.

Республика Президенти Фармонининг тўлиқ матни «Маърифат» ва «Учитель Узбекистана» газеталари ҳамда маҳаллий матбуотда эълон қилинади.

## ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1995 йил 29 сентябрда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган банклар иштирок этди.

Сотув ҳажми 10,76 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати — 33,50 сўм даражасида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1995 йил 30 сентябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади. *)

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 25,30 | 100 Италия лираси | 2,08 | 1 Швейцария франки | 29,36 |
| 1 Австрия шиллинги | 3,36 | 1 Канада доллари | 24,87 | 1 ЭКЮ | 43,70 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 52,93 | 1 Қувайт динори | 112,21 | 10 Япония иенаси | 3,41 |
| 10 Бельгия франки | 11,50 | 100 Ливан фунти | 2,08 | 1000 Россия рубли | 7,43 |
| 1 Голландия гульдени | 22,12 | 1 Германия маркаси | 23,63 | 1 Эстония кронаси | 2,95 |
| 10 Греция драхми | 1,45 | 1 Норвегия кронаси | 5,36 | 1000 Украина карбованеци | 0,20 |
| 1 Дания кронаси | 6,08 | 10 Португалия эскудоси | 2,25 | 1 Латвия лати | 61,62 |
| 1 АҚШ доллари | 33,50 | 1 Сингапур доллари | 23,59 | 1 Литва лити | 8,38 |
| 1 Миср фунти | 9,86 | 1000 Туркия лираси | 0,68 | 1 Қозоғистон тенгеси | 0,56 |
| 1 Ирландия фунти | 54,12 | 1 Финляндия маркаси | 7,85 | 1 Молдова лейи | 7,39 |
| 1 Исландия кронаси | 0,52 | 1 Франция франки | 6,84 | 1000 Беларусь рубли | 2,91 |
| 10 Испания песети | 2,73 | 1 Швеция кронаси | 4,83 | | |

Марказий банк 1995 йил 30 сентябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси махсус пул алмаштириш пунктларида фойдаланиш учун нақд АҚШ долларининг қуйидаги тижорат қийматини белгилади:

— Сотиб олиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 33,50 сўм.

— Сотиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 33,50 сўм.

Хорижий валютани сотиш чоғида сўм билан восита ҳақи олинади.

*) — Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

## 1 октябрь — Ўзбекистон халқ таълими ходимлари куни

***Ўзбекистонда тозариш ва янгиланишнинг пок эпкинлари эса бошлаганига ҳам мана тўрт йилдан ошди. Ана шу тарихан қисқа фурсат бизга асрий орзуларимизни қайтариб берди, жуда катта ўзгаришларни амалга оширди.***

**Гуландон АЛИМОВА,**
**республика халқ таълими вазирлигининг ўрта таълим бошқармаси бошлиғи:**

# ҲАМ ЎҚИШСИН, ҲАМ УҚИШСИН

Барча соҳалар каби халқ таълими тизимида ҳам катта ислоҳотлар юз берди. Президентимиз Ислом Каримов «Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» номли китобида таълим муассасалари олдига қуйидаги вазифаларни қўйган эди: «Халқ таълимининг бугунги тизимини янада қатъият билан ва тезроқ қайта қуриш зарур. Ҳозирги шароитда халқ таълими тизимини, унинг барча бўғинларини ягона мажмуа сифатида қараш талаб этилмоқда. Бунинг учун, умумий таълим мактабини, олий ва ўрта таълим тизимини жиддий равишда мустаҳкамлаш, ўқув дастурларини янгилаш, уларни жаҳон билим дурдоналари билан бойитиш, замонавий дарсликлар ва махсус адабиётлар чиқаришни йўлга қўйиш зарур».

Ўтган тўрт йил ичида умумий таълим мактабларида таълим мазмунини яхшилаш билан боғлиқ бир қатор муҳим ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва вазирлик ҳайъатида тасдиқланди. Улар ичида умумий ўрта таълим, ҳунар-техника таълими, мактабгача тарбия, мактабдан ва синфдан ташқари ишлар, узлуксиз таълим концепциялари, катта таълим марказлари, лицейлар, гимназияларнинг Низомлари бор. Эндиликда ўқув предметлари концепциясини ишлаб чиқиш бўйича изланишлар давом этмоқда. Хусусан, она тили, физика, химия, бошланғич таълим, бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўзбек тили, иқтисодий таълим, математика фанлари бўйича концепциялар ишлаб чиқилди.

Умумий таълим концепциясини амалга ошириш янги-янги йўналишларни тақозо этмоқда. Ўқувчилар, ота-оналар, педагог жамоалар имкониятидан келиб чиқиб, вазирликда муқобил ўқув режалари ишлаб чиқилди. 1994 йилда унинг 12 тури мактабларга тавсия этилди. 1994—95 ўқув йилидан бошлаб барча мактаблар учун, таълим қайси тилда ўқитилишидан қатъий назар, ягона база асосидаги ўқув режасини ишлаб чиқиш ва уни босқичма-босқич амалга оширишга киришилди. «Она тили ва адабиёти», «Ўзбекистон халқлари тарихи» (5-11 синфларда) «Одобнома» (10-синфда), «Инсон ва жамият» (11-синфда) фанларининг ўқитилишига алоҳида соатлар ажратилди. Бошланғич синфларда «Иқтисод алифбоси», 5-9 синфларда «Иқтисодий билим асослари» янги фанлари ўқитила бошланди. 10-11 синф ўқувчилари эса асосий фанлардан ташқари «Ҳуқуқшунослик», «Менежмент ва маркетинг асослари», «Дин тарихи» каби янги қўшимча фанлардан бирини танлаб билим олиш имкониятига эга бўлдилар. Қобилиятли ва иқтидорли ўқувчиларни қидириб топиш ва уларни ўқитишга эътибор кучайтирилди. Тошкентда руҳшунос профессор Б. Қодиров раҳбарлигида «Республика истеъдод маркази» иш бошлади.

Истаймизми-йўқми, ўқув-тарбия ишларининг сифат ва мазмунини ошириш, барибир, ўқитувчи шахсига, унинг меҳнатига бориб тақалади. Шу маънода, айниқса, бугунги кун ўқитувчиси, мустақил юрт ўқитувчиси ҳар томонлама комил инсон бўлмоғи даркор. Акс ҳолда маънавий дунёси кемтик ёшлар кўпаяди, холос. Ўқитувчи ҳам ўқиган, ҳам уққан бўлиши, ўқувчиларни ҳам худди ана шу йўсинда тарбиялаши бугуннинг ва эртанги кунимизнинг талабидир. Шу нуқтаи-назардан «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши, эл-юрт бахти ва келажаги учун чинакамига қайғуриш, жонфидоликдир.

Республикамизда 398550 нафар педагог бор. Шулардан 73,8 фоизи олий, 4,8 фоизи тугалланмаган олий, 20,4 фоизи ўрта махсус педагогик маълумотга эга. 15 та ўқитувчилар малакасини ошириш институти ишлаб турибди. Мазкур институтларнинг турли муддатли курсларида ҳар йили ўртача ҳисобда 75 минг нафар ўқитувчи ва таълимнинг бошқарув соҳалари ходимлари ўз малакаларини оширмоқдалар.

Ўқитувчилар фаоллигини ошириш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш мақсадида турли тадбирлар ўткзиляпти. «Йилнинг энг яхши тарбиячиси», «Йилнинг энг яхши мактаби», «Йилнинг намунали ўқитувчиси» каби кўрик-танловлар шулар жумласидандир.

Ўқитувчилик касби машаққатли, айни пайтда фахрлидир. Мураббий туғма истеъдодга эга бўлиши керак, десак ҳам муболаға бўлмайди. Шу йили Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтида аълочи ўқувчиларнинг ўқитувчиликка лаёқати бор-йўқлиги синаб кўрилди. Мингга яқин ўқувчидан атиги бир нечасигина синовдан ўтди, холос. Шундан бўлса керак, айрим шаҳар ва вилоятлардаги ўқитувчилар ўз касбини эплай олмай, ундан четлашга мажбур бўлмоқдалар.

Кўзланган мақсадни амалга ошириш учун шу ўқув йилидан бошлаб, мазкур педагогика институти қошида педагогика, лицейи ташкил этилди. Унда Тошкент шаҳри мактабларининг 9-синфини тамомлаган 175 нафар ўқувчи таҳсил кўрмоқда. Бундай лицейларни вилоятлардаги педагогика институтларида ҳам очиш ўқитувчилар қўнимсизлигига барҳам беради, деган умиддамиз.

Умуман таълим тизимининг моддий асосларини мустаҳкамлаш, ўқитувчиларнинг яшаш шароитларини яхшилаш, ўқувчиларнинг ҳар томонлама билим олишларини таъминлаш ҳамиша диққат-эътиборимизда. Бу шу йилнинг 5-8 сентябрь кунлари Алмати шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё мамлакатлари халқаро кенгашида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди. «Таълимнинг моддий асосини таъминлаш» деб номланган ушбу кенгаш ЮНЕСКО қошидаги Халқаро таълимни режалаштириш институти ва Қозоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда уюштирилди.

Таълимнинг самарадорлик мезони унинг халқаро стандартлар талабларига жавоб бериши билан белгиланади. Биз кўпроқ жаҳон педагогикасини, асосан ривожланган давлатлардаги таълимни ўрганишга ва уни педагогик жамоатчиликка етказиб беришга эътибор бераяпмиз. Шу мақсадда вазирлик кўпгина чет мамлакатларга тажриба алмашиш учун ўз вакилларини хизмат сафарига юборди. Яқинда мен ўзим Непал подшолигида ўтказилган халқаро регионал семинарда иштирок этдим. Мазкур семинарда ногиронликнинг келиб чиқиши ва оқибати, давлатнинг ўз фуқароларини моддий ва маънавий томондан таъминлаши каби масалалар кўриб чиқилди.

Республикада шу кунда 9092 та умумий таълим мактаблари мавжуд бўлиб, 172 та бошланғич, 1698 та таянч, 7137 та ўрта, ақлан ва жисмоний заиф болалар учун 82 та махсус мактаблар, 3 та мактаб-санаторий, фанлар чуқурлаштириб ўргатиладиган 31 та мактаб-интернатлардир. Буларда жами 4,9 миллиондан ортиқ ўқувчи билим олади. Ўтган ўқув йилида лицейлар 126 тага, гимназиялар 77 тага етди. 59425 ўқувчи 89 та кечки (навбатли)мактабларда ўқиди. Шунингдек, 12 та миллий ҳунармандчилик лицейларида 30 мутахассислик бўйича усталар тайёрланмоқда.

Мактаб ўқувчиларининг бўш пайтларидан унумли фойдаланиш мақсадида мактабдан ва синфдан ташқари 606 та муассасалар ишлаб турибди. Шуларнинг натижаси ўлароқ 1994 йили Марказий Осиё республикалари мактаб ўқувчиларининг фольклор-этнографик фестивали, шу йилнинг 24-28 июлида эса «Туркистон соврини» техника спорти мусобақалари ўтказилди. Биринчи ва тўртинчи синф ўқувчилари иштирокида бўлиб ўтган 1-республика спорт фестивалининг тўрт босқичида 660 мингга яқин ўқувчи қатнашди.

Ўтган йили 85 номда янги дарсликлар ва қиёсий дарсликлар нашр этилиб, жойларга юборилди. 18 та янги дастур яратилди. 1995 йилда «Ўқитувчи» нашриётида умумтаълим мактаблари учун 76 номда ўқув адабиётлари чоп этиш режалаштирилган бўлиб, ҳозиргача 18 номдагиси нашрдан чиқди. Бундан ташқари, янги мактаблар ва ёрдамчи бинолар қурилиши ҳам давом этмоқда.

Янги ўқув йили вазифалари вилоят, шаҳар ва туман ўқув муассасаларида атрофлича кенг муҳокама этилиб, бутун куч таълим самарадорлигини ошириш ва такомиллаштиришга, ислоҳотларни жадаллаштиришга қаратилмоғи зарур.

Сўзимнинг сўнггида барча ўқитувчиларни касб байрамлари билан қутлаб, уларга ёш авлодни тарбиялашдек масъулиятли ишларида муваффақиятлар тилаб қоламан.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА**
**ёзиб олди.**

## 1 октябрь — Хитой Халқ Республикасининг миллий байрами куни





**Гуань ХЭНГУАН:**

# «ИЛДИЗИ МУСТАҲКАМ ДЎСТЛИКНИНГ УМРИ БОҚИЙДИР»

***Хитой — Осиёдаги йирик ва иқтисодий жиҳатдан ривожланаётган давлатлардан биридир. Кейинги вақтларда мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар жаҳон ҳамжамияти диққат эътиборини ўзига қаратмоқда. Ер юзи аҳолисининг тўртдан бир қисми фаровонлиги учун курашиб, юксак тараққиёт йўлида муҳим кўрсаткичларга эришаётган ушбу мамлакат халқи шу кунларда ўз миллий мустақиллиги байрамини ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги улкан ютуқлари билан қарши олмоқда.***

***Шу муносабат билан мухбиримиз Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Гуань ХЭНГУАН билан суҳбатлашди.***

— 1 октябрь — Хитой Халқ Республикасининг ташкил топган куни сифатида тарихга зарҳал ҳарфлар билан битилган, — дейди жаноб элчи. — Мана 46 йилдирки, бу сана халқимизнинг энг қутлуғ байрами сифатида нишонланади. Ана шу даврнинг ҳар бир йили мамлакат тараққиётида муҳим ўрин тутади. Шу боис мамлакатимиз қисқа фурсат ичида катта ривожланиш йўлини босиб ўтди.

Айни вақтда мамлакат иқтисодий ислоҳотлар самараси ўлароқ, бир мунча муваффақиятларга эришди. Бу даврда саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларига алоҳида эътибор берилди. Чунки аҳоли сони бўйича дунёда етакчи ўринни эгаллаган мамлакатимиз халқини озиқ-овқат ва бошқа зарур маҳсулотлар билан таъминлаш энг муҳим масалалардан биридир. Мустақиллик даврида, айниқса, 1995 йилда ишлаб чиқаришнинг барча жабҳаларида юксак натижаларга эришилди. Биргина мисол: шу йилнинг биринчи ярим йиллигини ўтган йилнинг шу даврига муқояса қилганда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 10,3 фоизга ўсди. Импорт ва экспорт миқдори эса 126 миллиард 400 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Мамлакатга чет эл инвестицияси йўли билан киритилган капитал маблағ 16 миллиард 400 минг долларга тенг бўлди. Мана 16 йилдирки, мамлакатда теран иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар жараёни давом этмоқда. Ҳукуматимизнинг ташқи сиёсати мамлакат ичкарисидаги ўзгаришларга ижобий таъсир ўтказмоқда. Айни пайтда мамлакат ҳукумати илмий техникавий соҳалар ҳамда кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратаяпти. Шуни ҳам айтиш керакки, халқ хўжалигини ривожлантиришнинг саккизинчи беш йиллигининг охирги даври айнан 1995 йилга тўғри келади. Энг муҳими эса, ушбу беш йилликдан кўзланган асосий режалар тўла-тўкис бажарилди.

Шуниси қувончлики, Хитой ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичи бўйича дунёда еттинчи ўринга чиқиб олди. Шунингдек, мамлакатнинг жаҳон бозоридаги ўрни ҳам тоборо мустаҳкамланиб бормоқда. У эришаётган ютуқлар танланган йўлнинг нақадар тўғри эканлигидан далолат беради.



**— Жаноб элчи, маълумки мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар узоқ мозийга бориб тақалади. Негаки, қадимда халқларимизни «Буюк ипак йўли» бир-бирига боғлаб турган. Сизнингча бугунги кунда ана шу ҳамкорлик қандай ривож топмоқда.**

— Ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон — Хитой ўртасидаги алоқалар узоқ йиллик тарихга эга. Мамлакатингиз истиқлолга эришгач халқларимиз ўртасидаги муносабатлар тарихида янги саҳифалар очилди. Айниқса, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 1992 йилнинг марти ва 1994 йилнинг октябрь ойидаги Хитойга сафари ҳамда мамлакатимиз Давлат Кенгаши Раиси Ли Пэннинг 1994 йилнинг апрелидаги юртингизга қилган расмий ташрифи Хитой дарвозаларининг кенг очилишига имкон яратди. Икки дўст мамлакат ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларни янги поғонага кўтарди. Ушбу ташрифлар чоғида имзоланган иқтисодий, техникавий, маданий, таълим ва спорт соҳаларида имзоланган ҳужжатлар ўзаро ҳамкорлик алоқаларимизнинг камол топишида кенг уфқлар очди. Шунингдек, Ўзбекистон ва Хитой раҳбарлари узоқ муддатга мўлжалланган ва барқарор яхши қўшничилик муносабатларини, дўстлик ва фойдали ҳамда икки мамлакат халқларининг туб манфаатларига мос келадиган ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш хусусида ҳам келишиб олдилар.



Ҳозирда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айрибошлаш кўрсаткичлари йилдан-йилга юксалиб бормоқда. Ўзбекистон мамлакатимизга пахта, пахта чиқиндиси ва машинасозлик ускуналари етказиб берса, Хитойдан эса республикангизга гуруч, чой, халқ истеъмоли моллари келтирилмоқда. Шунингдек, мамлакатимиз ҳукумати билан ўзаро келишувга кўра Ўзбекистон хитойликларга «Ил-76» самолётларини етказиб берди. Айни вақтларда «Тошинтерм» бирлашмасида ишлаб чиқарилаётган кўркам термослар, «Зенит» заводида хитойлик мутахассислар билан ҳамкорликда тайёрланаётган «Зафар» маркали рангли ва оқ қора тасвирли телевизорлар фақат ички бозордагина эмас, балки жаҳон бозорларига ҳам аста-секин кириб бормоқда. Бу каби ҳамкорлик ва дўстлик алоқалари икки мамлакат халқ манфаатлари учун хизмат қилиши шубҳасиз. Зеро, илдизи мустаҳкам дўстликнинг умри боқийдир.

Шуни ҳам мамнуният билан айтмоқчиманки, Ўзбекистон билан узоқ муддатли ва ишончли ҳамкорлик ўрнатиш биз учун ҳам катта аҳамиятга эгадир. Шу боис ҳам, Хитой томони мамлакатингиз билан ҳар қандай соҳада ҳамкорлик қилишга тайёр.

Фурсатдан фойдаланиб мен шу нарсани алоҳида таъкидламоқчиманки, Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларнинг ўзига хос йўли танлаб олинди. Энг муҳими бирор-бир мамлакат қўллаган иқтисодий ислоҳат йўлидан айнан нусха олингани йўқ. Халқингизнинг табиатига монанд тамойиллар ишлаб чиқилди ва улар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Юртингиз Марказий Осиёдаги нуфузли давлатлардан биридир. Ўзбекистон қадимий маданиятга ва катта иқтисодий имкониятларга эга. Мамлакатингиз Президент Ислом Каримов бошчилигида ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш, қўшни давлатлар билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш ва юксак тараққиёт йўлидан собит қадамлик билан бормоқда. Ўзбек халқига бу ойдин йўлда муваффақиятлар тилаб қоламиз.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Фурқат САНАЕВ**
**суҳбатлашди.**

## Милиция профилактика хизмати —25 ёшда



# БУ СОҲА ТАРИХИ ДОЛҒАЛИ ВА СЕРМАЗМУНДИР

***Бундан беш йил муқаддам «Халқ сўзи» газетасининг нишона сонида «Миршаб ва милиция» номли мақола чоп этилганди ва унда қонун ҳимоячиларининг тарихи ва бугуни ҳақида бир қадар фактлар баён этилганди.***

***Ўшанда мақола ёзиш муносабати билан Ички ишлар вазирлиги музейидаги ҳужжатларни ҳам титкилашга тўғри келди. Аммо у ерда жўяли бир нарса топишга имкон бўлмади. Ваҳоланки, бу хизмат соҳасининг тарихи ранг-баранг ва жуда узундир, долғали ва сермазмундир. Ҳатто милиция хизмати бўлинмаларининг-да тарихи, босиб ўтган йўли бир-биридан фарқ қилади.***

***Жумладан, жиноятчиликнинг олдини олиш хизмати бошқармаси тарихига бир назар ташлаб кўринг. Бу яқин тарих — энди чорак аср бўлди. Аммо шу даврда бу хизмат ҳар томонлама шаклланди, такомиллашди, фаолият кўлами кенгайди. Аслида қайси соҳани чуқурроқ ўрганмоқчи бўлсангиз, ҳар қандай дорилосордан кўра, давр инсонлари суҳбати ва кўргазмаси жонлироқ ҳамда табиийроқдир. Шу туфайли биз жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси, бошқачароқ таъкидлаганда, профилактик хизматнинг ташкил топиш тарихи, тадрижий такомили хусусида сўзлаб беришни бундан чорак аср муқаддам ушбу бошқарма бошлиғи лавозимида ишлаган, айни пайтда истеъфодаги полковник Алексей Львович КАРАСИКдан илтимос қилдик.***

— Бу хизматнинг тарихи узоқ ва қизиқарлидир. 1970 йил 1 июлда собиқ СССРда тажриба тариқасида Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси қошида профилактика бўлими очилди. Ушбу бўлимга мени бошлиқ этиб тайинлашди ва кадрларни танлаб олиш имкониятини ҳам беришди. Биз энг яхши ходимларни ишга олдик, профилактик хизматни бошлаб юбордик. Бир-икки ойдаёқ жойларда милициянинг нуфузи ошди, вояга етмаган ёшлар билан тезда тил топишдик, зарурат туғилганда ишлаб чиқариш ва саноат корхоналари раҳбарлари билан учрашиб, жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича талай тадбирлар ўтказдик. Ҳаммага беш панжадек аёнки, жиноятни тузатишдан кўра унинг олдини олиш, гарчанд машаққатли бўлсада, осон кечади. Шаҳар бўйича ижобий кўрсаткичлар юз бера бошлади.

Хуллас, хушхабарнинг қаноти бор дейишади. Ишларимиздаги кескин силжишлар Московнинг ҳам қулоғига бориб етибди. Иттифоқ Ички ишлар вазирлигидан бир гуруҳ тафтишчилар келишди. Ишларимизни обдон ўрганишди ва ушбу хизматни англаб етишди. Натижада тажриба кенг қанот ёзди. Барча республикаларда, шаҳар ички ишлар бошқарма ва бўлимларида профилактик хизмат ташкил этилди. Бу 1 октябрга тўғри келади. Шу туфайли 1 октябрь ушбу соҳа ходимларининг байрамига айланиб қолган.

Назаримда даставвал милиция ходими ана шу хизмат соҳасида ишлаши керак. Шундагина у халқ билан қандай муомалада бўлиш ҳамда ички хизмат сир-синоатларини чуқур ўрганади. Милициянинг ўнлаб жонкуярлари билан бақамти хизмат қилганмиз. Ҳудудимиздаги мактаблар, корхона ва муассасалар ҳам назаримиздан қочмаган. Уларнинг ҳар бирида картотекалар очардик, хизмат тафтишлари ўтказардик. Бажарилган режадаги ҳар бир юмуш юзасидан шаҳар партия ва комсомол ташкилотларига ҳисобот бериб турардик. Иш ҳам, талаб ҳам кучли эди. Бу эса бизни янада қаттиқроқ ва масъулият билан ишлашга чорларди. Тўғри, ишда нуқсонларимиз ҳам бўлган. Масалан, вазир мени кўп койирди ва тан олиб айтиш керакки, жуда оқилона танбеҳ берарди. У бизни фақат умумий профилактика билан эмас, индивидуал профилактика билан ҳам кўпроқ шуғулланишга ундарди. Жиноят ва профилактикани айрича тасаввур этмаслик керак, дерди.

Биз ҳуқуқни муҳофаза этувчи барча ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлардик. Шаҳар прокуратураси ва суди билан биргаликда брифинглар уюштириб турардик. Унда ҳамма масалалар муҳокама этиларди, вазифалар ойдинлашарди. Жамоатчилик гуруҳлари тузамизми, таянч пунктлари ташкил этамизми, участка инспекторлари билан янгича ишлаш лозимми — ҳаммасида биз ўзаро фикрлашиб иш юритардик. Бу эса биринчи галда янги тизимда кадрлар қўнимсизлигини барқарорлаштирди, қолаверса, жиноятчилик, айниқса, ўсмирлар ўртасидаги жиноятчиликни кескин камайтирди.

Менинг шогирдларим гарчанд истеъфода бўлса ҳам зериктиргани қўйишмайди. Мана шаҳар ИИББ жиноятчиликнинг олдини олиш хизмати бошқармаси бошлиғи Муҳаммаджон Деҳқонов, унинг муовини Ҳакимжон Умиров ва бошқа шогирдларим мени тез-тез йўқлаб туришади, завод ва корхоналарга, ўқув муассасаларига чиқаман, ёшларга хотираларимдан сўзлаб бераман, уларни ватанпарвар, меҳнаткаш, жасур бўлишга ундайман. Дарвоқе, газетадан экансиз, мен ҳам узоқ йиллар «Постда» газетасига муҳаррирлик қилганман. Бу машаққатли, аммо фахрли касб. Менинг барча шогирдларим ва ҳамкасбларимга газета орқали байрам табригимни етказсангиз. Хизматларидан толмасинлар, зеро, улар ҳаётий ҳақиқатни ана шу касб-профилактик хизмат орқали тўла англаб етадилар ва бой тажриба орттирадилар.

### ЯНГИЛАНИШ ШАРОФАТИ

Қорасув пайпоқ тўқиш ҳиссадорлик жамияти мулкнинг янги шаклига ўтгач, ишлаб чиқаришда меҳнат самараси кўзга ташлана бошлади. Энг аввало меҳнат унумдорлиги ортди. Даромад чўғи кўпайди. Ишчилар 2-2,5 минг сўм атрофида иш ҳақи ола бошлади. Ҳар ойда 9-10 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилмоқда. Натижада, иш соати аввалгидек эмас, 6 соатга туширилди.

**Ф. ШОДМОНАЛИЕВ.**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


Агар 30 ёшдан ошган бўлсангиз,
Унда сизга 30+ қувватдориси даркор!!!



"Тридцать Плюс" кичик капсуласи ёрдамида сиз оғир иш кунидан кейин ҳам осмонўпар бинонинг сўнгги қаватигача югуриб чиқишга қодир бўласиз.
"Тридцать Плюс" нафақат чарчоқни тарқатади, балки Сиз сарфлаган қувватни тиклайди - у танангизнинг ҳар бир тўқимасига куч ва эпчилликни қайтариб, Сизни яшартиради.



Харид қилиш масаласи бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:
" АДЖАНТА ФАРМА ЛИМИТЕД" ФИРМАСИ:
Тошкент, 700060, Мовароуннаҳр кўчаси 19
Тел (3712) 360148,335578
Тел/факс (3712) 338471
Сотувчи ҳамкорларимиз:
Тошкентда «Ибн Сино» дорихонаси (3712) 442434, 404483
«Фармед» дорихонаси (3712) 479890, 479894
«Жўрабек» дорихонаси (3712) 456040, 454146
Самарқандда «Нуриюсуф» дорихонаси (3662) 354190
Фарғонада «Фарҳод — А» дорихонаси (3732) 243582
Андижонда «Жень-Шень» дорихонаси (37422) 56272
Наманганда «Сирожиддин табиб» дорихонаси (36922) 34584.
"Тридцать Плюс" - ёшлик ва соғломлик демакдир.



"ЎЗБЕКИСТОН - АМЕРИКА"
"АЛ-ФАРОСАТ"
қўшма корхонаси
арзонлаштирилган нархда нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сизга қуйидагиларни
таклиф этади

-ROVAL-125 назорат касса аппаратларини (давлат реестрига киритилган) ёдда сақлаш қурилмаси билан арзонлаштирилган нархда;
-пул ўтказиш йўли билан касса аппаратлари учун қоғозлар;
-назорат касса аппаратларини ишга тушириш, таъмирлаш ва буюртмачиларни ўқитиш.





-486 DX2-66 компьютерларини ҳамда буртмачининг талабига асосан бошқа турдаги компьютерларни ва турли хил техникаларни "Ал-Фаросат" фирма дўконидан (Афросиёб) харид қилишингиз мумкин.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Буюк турон кўчаси, 41.
Мўлжал: Алишер Навоий театри қаршисида.
Маълумот учун телефонлар: 36-55-18, 36-21-46.
Тел./факс: (3712) 36-73-44, 33-91-92.

# БИР ПИЁЛА ЧОЙ УСТИДА

***... Бу қиз ҳақида узоқ вақт ҳеч нарса ёзолмадим. Ойнаи жаҳон орқали қўшиқларини эшитган, ўзи билан бир-икки бор суҳбатлашган, радиодан бир қанча қўшиқларини тинглаган, концерт дастурларини томоша қилган бўлсам-да... ҳеч нарса ёзолмадим.***

**Ёзаман деб, сафарда, таътилда уч ой юрдим. Бир куни банагоҳ йўлимга бир қанча санъаткорларнинг қўшиқлари жамланган тасма (кассета) тушиб қолди. Уларнинг орасида Раъно ҳам бор экан. Қўшиқ она ҳақида эди. Она йироқда фарзандини зор-зор бўлиб кутади. Фарзанд... катта шаҳарда катта санътакор бўлмоқчи. Шеърга монанд куй топилган. Шеър ҳазин, куй ундан-да ҳазин. Ҳазин шеър, ҳазин куйга ҳазин овоз қўшилган. ...Ва ҳазин, дилларни ларзага солувчи, киши кўнглини ташвиш, ғам-ғуссалардан тозаловчи қўшиқ яралган, Раъно ҳақида ана шундан кейин ёзишга қарор қилдим. Раъно ана шу қўшиғи билан ўз йўлини, ўз услубини топгандай туюлди. Ўша қўшиқнинг адашмасам шундай сатрлари бор эди:**

**Бардош гуллаб кетар**
**Кошонангизда**
**Толелар из солсин**
**Пешонангизга**
**Ватан улғаяди**
**Остонангиздан**
**Она — бепоён...**

**— Раъно ана шу қўшиқни онангизни соғинганда, соғиниб, лекин бориб кўриб келишга имкон топмаган вақтингизда яратганга ўхшайсиз-а.**

— Тўғри, баъзан иш, баъзан ижодий сафарда бўлиб, қишлоққа боришга, сенинг йўлларинга интизор, тиқ этган товушга илҳақ онангни кўришга вақт тополмайсан. Қолаверса бу биргина менга эмас, мен каби барча фарзандларга тааллуқли ҳодисадир. Онамни ҳамма Пошша ойим, деб чақиради. Оилада отадан барвақт етим қолиб, улғайганимиз туфайлими, барчамизнинг онамизга меҳримиз бўлакча. «Онажон» қўшиғим, эҳтимол ана шунинг учун бошқача чиққандир. Унинг шеърини шоира Ўктамхон Холдорова ёзган. Куйи таниқли бастакор Қаҳрамон Комиловники.

**— Тақлиддан қўрқмайсизми? Умуман тақлидга муносабатингиз қандай?**

— Рости, тақлиддан анча муддат қўрқиб юрдим. Чунки санъаткор дўстларим: «Сени овозинг Муножот Йўлчиеваникига айнан ўхшаб кетади», дейишди-да. Бир томондан қувонсам, бир томондан чўчиб юрдим: «Бир умр шундай қолиб кетсама» деган ўй мени тинмай таъқиб этиб юрди.

Тақлид, назаримда, ижодга хос-хусусият. Уни четлаб ёки устидан сакраб ўтиб бўлмайди. Дўстларимни овозинг Муножот Йўлчиеваникига ўхшайди, дейишларига асос бор. Мен Муножот опани ўзимга устоз, деб биламан. У киши билан илк бор 1985 йилда танишганмиз. Шу боис узоқ вақт у кишининг изидан эргашдим, тақлид ҳам қилдим. Овозим очилгунча Муножот опанинг йўлидан бордим.



## ОРҚАГА ҚАЙТИШ НИЯТИ ЙЎҚ

**Раъно енгил-елпи, шўх қўшиқларни деярли ижро этмаган. У ўзи айтмоқчи болалигидан Муножот Йўлчиевага эргашганиданми фақат классик ашулаларни айтади. Айтганда ҳам маромига етказиб, ўзига хос йўл ва овоз билан айтади. «Фарғона тонг отгунча», «Излайман», «Самарқанд ушоғи» каби қўшиқларни катта куч ва маҳорат билан ижро этган.**

**Классик ашулани айтиш учун катта ҳамда кучли овоз керак. Акс ҳолда санъаткор бундай залворли «юк»ни кўтаролмай ора йўлда қолиб кетиши ҳеч гап эмас.**

**— Классик ашулаларни айтадиган ёшлар нега кескин камайиб кетаяпти. Уларнинг энг кейинги авлодлари агар адашмасам сизлар. Афсуски, сизларнинг орангизда ҳам саноқли кишилар бор.**

— Оғир ва машаққатли йўлдан ҳамма ҳам юравермайди. Инсон негадир, табиатан енгилликни, равон йўлни, мақсадига осон эришишни ёқтиради. Ёшларни катта ашулага камдан-кам мурожаат қилаётганларининг сабаби ҳам балки ана шундадир...

**Раъно ҳақ гапни айтди. Санъат фидойилик демакдир. Катта ва ўлмас санътни ҳамиша фидойилар яратган. Тўғри, биз ҳозирча Раънони санъатнинг фидойиси, дейишдан ўзимизни бироз тийиб турамиз. Чунки унинг олдида ҳали анча машаққатли йўллар, сўқмоқ синовлар бор. Раъно ана шу йўлга эндигина кирди, эндигина ўз йўлини топаяпти...**

— Классик ашулаларнинг умри узоқ бўлади. — дейди Рано ЎРАЗБОЕВА. —Уни айтиш учун кишидаги овознинг ўзи камлик қилади. Ана шу йўлга кирган, бир нарса айтаман, қолдираман, деган санъаткор, чамаси овозини чархлаш билан бирга классик адабиёт, тасвирий санъат ҳамда халқининг ўтмиши ва бугуни билан чуқур танишиши керак. У ана шундагина ўзидан бир нарса қолдиради.

Мен ҳозир биздан олдин ўтган, ижод қилган таниқли санъаткорларнинг ижро маҳоратини ўрганаяпман. Биласизми, улар жуда кучли бўлишган. Биз агар ана шу катта санъатга кирмоқчи ёки бир нарса қолдирмоқчи бўлсак, улардан бир поғона баланд кўтарилишимиз керак. Акс ҳолда... бизга қийин бўлади. Берта Давидова, Ҳабиба Охунова, Коммуна Исмоилова, Тожикистон халқ артистлари Барно Исҳоқова, Шойиста Муллажоновалар қолдирган мерос, ижод услуби биз учун катта мактаб, катта сабоқ... Биз энди улардан баҳра олишимиз ва иложи бўлса уни бир қадам олдинга силжитишимиз лозим.

Раънога, айни пайтда таниқли бастакорлар Қаҳрамон Комилов, Раҳматилла Қосимов ҳамда Сайфи Жалил куй басталаб беради, классик ашулаларнинг ижро этиш йўл-йўриқларини ўргатади. Классик ашула айтиш эса... осонмас. Раъно уни билади. Лекин билса ҳам орқага қайтиш нияти йўқ.

**И. НУСРАТ ўғли суҳбатлашди.**



## ТАМОМ...

*Суратни кўриб худди шундай хаёлга боришингиз тайин. Аслида аксинча. АҚШнинг Мичиган штатининг Лэнсита шаҳарчасида истиқомат қилаётган бу хонаки жонзотлар бирбирларига шу қадар ўрганиб қолишганки, мушук итсиз — ит мушуксиз жойидан ярим қадам ҳам жилишмайди.*




## АНДРЕЙНИНГ ОНАСИ... МАЙМУН



***МОДА ШИМПАНЗЕ кўзи ёриб, одам боласи туққани ҳақида 1987 йили жаҳондаги энг оммавий газеталар шов-шув кўтаришганди.***

АНДРЕЙ дея исм берилган ўша бола 1994 йил 1 сентябрда ўз тенгқурлари билан ўрта мактабнинг биринчи синфига ўқишга борди. Гап шундаки, Андрей уч ойлик бўлгач, уни онаси — шимпанзедан айриб, Киевда яшовчи бир оилага асранди ўғил қилиб беришганди.

Бола 7 ёшга тўлгач, уни шимпанзе билан учраштиришди.

— Мен умримда онаболанинг бундай илиқ, самимий учрашувини кўрмаган эдим, — дейди рус врач-акушери Алексей Густов. — Шимпанзе болани меҳр билан бағрига босиб, юз-қўлларини авайлаб силай бошлади. Уни ўзи туққанини билиб тургани учун бўлса керак, кўзларида ёш қалқиди...

Дарвоқе, шимпанзенинг 1987 йил 6 декабрь куни кўзи ёриганда врач-акушер А. Густовнинг ўзи доялик қилганди. Андрейнинг қиёфаси ҳам, ўзини тутишлари ҳам оддий одам боласиникидан мутлақо фарқ қилмайди.

Она-боланинг учрашуви 15 дақиқа давом этди.

— Аввалига, Андрей ўз онаси — шимпанзега ҳадиксираб яқинлашди, — дея ҳикоя қилади А. Густов. — Аммо зум ўтмай, маймунни қучоқлаб олди. Она-бола сўзсиз, ҳатто, унсиз гаплашмоқда эдилар. Бу жуда таъсирли, шу билан бирга бироз мунгли учрашув эди.

Бола туғилганда тиббий мутахассислар у узоғи билан бир йилча яшаса керак, дея тахмин қилишганди. Аммо у яшаяпти, ўсаяпти.

Андерйнинг туғилиши тиббиёт оламидаги мўъжизадир. Маймуннинг одам боласи туғищи, гарчи қизғин тортишувларга сабаб бўлган эса-да, ҳомилани имплантация қилиш йўли билан амалга оширилди. Ҳомиладор қилинган инсон тухумдони шимпанзенинг бачадонига жойлаштирилди ва у бу ерда ривожланиб, рисоладагидек болага айланди, ой-куни етгач, дунё юзини кўрди.

— Чақалоқнинг иммунал тизими шимпанзе бачадонида бу қадар нормал ривожланади деб ўйламагандим, — дейди акушерлик бўйича фаранг мутахассиси доктор Франсуа Жерар. — Чунки, одам билан маймун ўртасида генетик ва гормонал фарқ анча катта. Аммо боланинг ҳамма жиҳатдан рисоладагидек одам эканлиги мени ҳайратга солди.

Доктор Жерар бундан етти йил аввал қўл урилган ушбу ғайриодатий тажрибани ўтказишга қатъий қарши турган европалик врачларнинг бири эди.

— Ушбу тажриба муваффақиятли ўтгани — бор ҳақиқат, — дейди Жерар. — Аммо, ишончим комилки, у ҳеч қачон қайтарилмайди. Зеро, бу табиат қонуниятини бузишдир.

## ҲАДИСЛАР

*Одамларга таом едиринглар ва ширин сўз бўлинглар*

*Мўмин одамларнинг афзали — яхши хулқлисидир*

КЕЛИНГ, ТИЛИМИЗНИ ҚАЙРАБ ОЛАЙЛИК ЁКИ МАҚОЛЛАР ИЗОҲИ

### ДЎСТ ҚАЙТСА БЕРГАНИН ОЛАДИ, ОРАДАГИНИНГ АЙТГАНИ ҚОЛАДИ.

(қайтса — қандай қилса ҳам). «Дўст қандай бўлмасин ўз дўстидан бир нарсани ундириб олади, бир-бири билан битишиб кетади. Аммо ўртада нари-бери гапириб, ғийбат қилган одамнинг сўзлари унутилмайдиган бўлиб қолади. Уларнинг ўртасига нифоқ солиб нима қиласан?! Қайтага иккаласининг ҳам кўзига ёмон кўриниб қоласан», дейилмоқчи.

**Дейл КАРНЕГИ:**

## АЁЛ ҲАР ҚАНДАЙ ҲОЛАТДА ҲАМ АЁЛЛИГИГА БОРАДИ




***ДУНЁДА аёлларнинг жони-дили бўлган нарса нима? Афсуски, буни ҳамма эркаклар ҳам билавермайди.***

КЎЧАГА чиққан аёл эркакларга эмас, кўпроқ аёлларга, тўғрироғи, уларнинг либосларига разм солади. Бу — исбот талаб қилмайдиган ҳаётий ҳақиқат.

Менинг бувим 98 ёшга кириб вафот этганлар. Кечагидек ёдимда. Ўлимларидан бир неча кун аввал у кишига тахминан 35 йиллар илгари олинган суратларини кўрсатдик. Кўзлари хиралашиб қолганлиги сабабли расмларига тикилиб туриб, биринчи сўраган гаплари шу бўлди: «Қанақа кўйлак кийиб тушган эканман?»

Қаранг, бир оёқлари гўрда бўла туриб, ўша пайтларда қандай кийиниб юрганлари билан қизиқмоқдалар. Хўш, биз эркакларчи? Ҳатто беш йил аввал кийган костюмимизнинг рангини ҳам эслолмаймиз, бунга эҳтиёж ҳам сезмаймиз. Чунки, ясан-тусанга зеб бериш бизга эмас, аёлларга хос хислат.

Францияда жамият олий табақасига мансуб кишилар ўзи ўғилларига ўсмирлик чоғидан бошлаб хонимларнинг кўйлак ва шляпаларини кўкларга кўтариб мақташни ўргатиб борадилар.

Бир деҳқон аёли ҳаркунгидек оиладаги эркаклар оғир меҳнатдан сўнг кечқурун уйга тўпланганларида уларнинг олдига овқат ўрнига бир боғ похол келтириб қўйди. Буни кўрган эркаклар «жинни-пинни бўлиб қолмадингми ишқилиб?» дея ҳайрон бўлишганда, у «оддий похолга бу қадар эътибор беришингизни қаёқдан билай. Йигирма йилдан бери сизлар учун овқат тайёрлайман, аммо бирор марта менга похол эмас овқат еяётганингларни айтмадинглар» дея жавоб берган экан.

Ҳа, аёл кишининг кўнгли шунақа. Унга кўп нарса керак эмас, озгина эътибор бўлса бас. Чиройли кийимга, ясан-тусанга ўчлиги ҳам шундан — одамларнинг (фақат эркакларнинг эмас) назарига тушай, дейди. Аммо кўпчилик аёллар учун энг қимматлиси — ўз эрининг эътибори. Нафсиламбирини айтганда, эр-хотин ўртасидаги ўзаро самимий эътибор ширин ва бахтли турмуш, қўйингчи, қўша қариш гаровидир.

Бинобарин, ўз хотинига эътиборли бўлган, уни ҳар жиҳатдан қадрлайдиган кечиримли эркак бундан фақат ютади, ҳузур-ҳаловатда яшайди. Чор Россиясида жамият олий табақасига мансуб хонадонларда шундай одат расм бўлган. Ҳар сафар овқатдан сўнг ошхонадан пазандани чақиришиб, бутун оила аъзолари мазали таом тайёрлагани учун уни олқишлашган.

Хулоса шуки, эрининг миннатдорлиги ва чин садоқатини қозона олган аёлдан кўра бахтлироқ инсон йўқ дунёда.

МАРҲАМАТ, ЯНА САВОЛ БОРМИ?



### БОЙБОБО ЧИННИСОЗ

***Конибодомийнинг устози ким бўлган?***

**Н. Аҳмедов Янгийўл тумани**

Бойбобо Чиннисов (туғилган йили номаълум) — 1876, Қўқон. — машҳур кулол. У ясаган буюмлар шаклининг мутаносиблиги, чиннисининг аъло сифати билан ажралиб туради. Идишлар нақши нафис услубда, ингичка мўйқалам билан зангори бўёқда чизилган. Бойбобо чиннисознинг бир неча шогирди бўлган. Таниқли чиннисоз Мусо Конибодомийнинг ҳам у билан бирга ишлагани маълум. Бойбобо Чиннисоз ясаган лаган, коса каби буюмлар Ўзбекистон Давлат санъат музейида сақланмоқда.

### БОЗУРГОНИЙ

***Бозургоний қўшиғининг тарихи ҳақида маълумот берсангиз.***

**И. НЕЪМАТОВ, Челак тумани**

Бозургоний (тожикча бозори) классик қўшиқларнинг бири: шунингдек, у қўшиқ бастакорининг тахаллуси. Бозургоний йўлининг мукаммаллашувида Ҳожи Абдулазизнинг хизмати катта. Бозургоний, асосан, Шошмақомнинг («Дугоҳ» мақоми йўлларига мос уфор, доира усулида ижро этилган. Ю. Ражабий ва Г. Мушелнинг «Муқанна» (Ҳ. Олимжон либреттоси) ва «Фарҳод ва Ширин (Қ. Яшин либреттоси) музикали драмаларда йирик ариялар яратишда Бозургоний йўлидан ижодий фойдаланилган. Бозургоний кишида чуқур лирик кайфият уйғотади.




— Доктор, кўзим сира ҳам тузалгани йўқ. Пулни бекорга совуряпманми, дейман-да?

— Нега тузалмади дейсиз? Ҳар ҳолда, баъзи нарсаларни кўра бошлаяпсиз-ку!

***

— Хотинимга ҳайронман-да! Пул сўрагани сўраган. Кунига ўн марта сўрашдан ҳам тортинмайди.

— Шунча пулни нима қилади?

— Ҳеч нарса. Мен унга бир тийин ҳам бермайман.




**Республика гидрометереология маркази хабар қилади:**

30 сентябрь — 4 октябрь кунлари республикада қуруқ ва кам булутли об-ҳаво кузатилади. Ҳаво ҳарорати кечалари 8-13 даража, кундуз кунлари 21-26 даража атрофида бўлади. Жанубда кечалари 9-14 даража, кундуз кунлари 24-29 даража, шимолий туманларда эса кечалари 4-9 даража, кундуз кунлари 18-23 даража бўлиши кутилади.

**ТОПИШМОҚ**

Соат миллари 12-ю 25 минутни кўрсатиб турибди. Агар минут мили соат милининг ўрнида, соат мили эса минут милининг ўрнида бўлса, соат қайси вақтни кўрсатади?

(Газетамизнинг шу йил 23 сентябрь сонида берилган топишмоқлар жавоби: Кўприк, сув, бақа, балиқ)




ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

**МУАССИСЛАР:**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

**Бош муҳаррир:**
**Анвар ЖЎРАБОЕВ.**

***БЎЛИМЛАР:***
*Парламент 33-57-34;*
*Хатлар 33-07-48;*
*Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;*
*Иқтисодиёт 36-36-65;*
*Маънавият 36-35-60;*
*Ахборот 36-29-89;*
*Тунги муҳаррирят 33-10-28.*

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**700000, ГСП**
**Тошкент шаҳри,**
**Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.**

**Навбатчи муҳаррир — И. Худоёров.**
**Навбатчи — Ф. Бобо Дўст.**

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0399. 41966 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.**

**Босишга топшириш вақти—21.00**
**Босишга топширилди — 21.00**

1 2 3 4 5 6